

ХАТАМОВ Тохир Абдумуталович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди
e-mail: t.xatamov@mail.ru

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШДА ТАРИХ ФАНИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКИ В НАУЧНОМ ИССЛЕДОВАНИИ СУФИЙСКОГО УЧЕНИЯ

THE ROLE OF THE SCIENCE OF HISTORY IN SCIENTIFIC RESEARCH OF SUFI DOCTRINE

Аннотация: Сўнгги йиллардаги илм-фан соҳасида юртимизда олиб борилган ислохотлар натижасида тарих, исломишунослик фанлари йўналишида ҳам тасаввуф таълимотини ўрганиш бўйича имкониятлар кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Мақолада тасаввуф таълимотини тарих, исломишунослик фанлари нуқтаи назаридан мустақиллик йилларида илмий жиҳатдан ўрганилиши таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотлардаги манбаишунослик, тарихишунослик, тарихий жараён ва даврларни ёритишга оид ёндашувларга илмий-тарихий хулосалар берилди.

Таянч сўзлар: Ислом, тасаввуф, диссертациялар, исломишунослик, тарихишунослик, манбаишунослик, ихтисослик, илмий тадқиқот.

Аннотация: Необходимо подчеркнуть, что в результате реформ, проводимых в области науки в последние годы в нашей стране, расширяются возможности изучения суфизма в областях истории и исламоведения. В статье проанализировано научное изучение суфизма в годы независимости с позиций истории и исламоведения. Также даны научно-исторические выводы по подходам к источниковедению, историографии, историческому процессу и эпохам.

Ключевые слова: Ислам, суфизм, диссертации, исламоведения, историография, источниковедение, специализация, научное исследование.

Abstract: It is necessary to emphasize that as a result of the reforms carried out in the field of science in recent years in our country, opportunities for studying Sufism are expanding in the fields of history and Islamic studies.

The article analyzed the scientific study of Sufism in the years of independence from the perspective of history and Islamic studies. Scientific conclusions were given to approaches to the study of source studies, historiography, historical process and eras.

Key words: Islam, Sufism, dissertations, historiography, Islamic studies, source studies, specialization, scientific research.

КИРИШ

Тасаввуф таълимотини ўрганишда тарих фани энг асосий фан тармоқларидан бири ҳисобланади. Инсоният ўтмишидаги барча тамаддунларга, иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий жараёнларга ҳамда тараққиёт ва таназзулларга тарих фани томонидан дастлабки хулосалар берилади. Тасаввуф таълимоти инсон руҳияти, камолати, ахлоқини юксалтиришга қаратилган бўлсада, тарихий жараёнлардан алоҳида ҳолатда мавжуд бўлолмайди. Шу жиҳатдан тасаввуфий мактабларнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, машхур сўфийлар, тасаввуф манбалари каби кўплаб масалаларни энг аввало тарихчилар ёки тарихий аспектлардан келиб чиқиб бошқа мутахассислар тадқиқ этади. Бу тадқиқотлар ўз навбатида тасаввуф таълимотини ўрганмоқчи бўлган турли соҳа изланувчилари учун дастлабки тасаввуфларни беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги сўфийликни ўрганувчи тадқиқотчилар сафида тарихчиларнинг улуши юқори ҳисобланади. Бу даврда Р.А.Тиллабоевнинг 07.00.09 – “Историография, источниковедение и методы исторического исследования” ихтисослигида “Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. Как исторический источник (Жития шейхов Тариката Накибандийа)” мавзусидаги докторлик диссертацияси 1994 йилда тасаввуф тарихига оид муваффақиятли ҳимоя қилинган илк тадқиқот иши ҳисобланади [1:277].

Р.А.Тиллабоев ўз тадқиқот ишида Нақшбандия тариқатининг вужудга келиши ва дунё бўйлаб тарқалиши, хусусан, Ҳиндистонга ёйилишига алоҳида боб ажратади. Агиографик асарлар асосида Марказий Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг таҳлилини тақдим этиш билан биргаликда

агиографик асарларнинг муҳим манбавий қийматини ҳам кўрсатиб беради. Шунингдек, нақшбандийлик тариқатининг ўрганилиши, тарихшунослиги бўйича тадқиқотларга ҳам эътибор қаратади. Тарихшунослик жиҳатидан асосан рус тарихчиларининг тадқиқотлари келтирилгани ҳолда, қисман маҳаллий тарихчиларнинг илмий изланишларини ҳам таъкидлаб ўтади.

Шу ўринда собиқ иттифоқ даврида тасаввуф таълимотини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот ишларида, тариқат мактаблари асосан салбий ёндашув асосида таҳлил этилганини таъкидлаб ўтиш зарур. Биргина *Хожа Аҳмад Яссавий* тариқатидаги тарки дунёга оид хос масала меъёридан ортиқ даражада бўрттирилиб кўрсатилган бўлса [2:14-15], *Алишер Навоий* шеъриятидаги Илоҳий муҳаббат инкор этилиб, сохта Гули образи асосий майдонга олиб чиқилди [3:27-37], *Хожа Аҳрор Валийнинг Мирзо Улуғбекга* нисбатан турли фитналар уюштиришда иштирок этганлиги ҳақида тарихий ўйдирма ва ёлғонлар ёшлар онгига мажбуран сингдирилди [4:412].

Бу каби ҳолатлар шундан далолат берадики, мустабид тузум даврида ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланиши учун энг зарур бўлган шарт-шароит яъни, илмий-иждодий эркинлик чекланган ва тақиқланган, коммунистик мафкура барча илм-фан соҳаларига кириб борган, илоҳиётшунослик асосан атеистик шаклда бир томонлама тадқиқ этилган. Минг афсуски, XX асрда юз берган ушбу мудҳиш тарихий жараёнлар, таъқиб, сургун ва қатағонлар ушбу ўлка маҳаллий халқига нисбатан амалга оширилди.

Б.М.Бабаджановнинг 1996 йилда “*Жаҳон тарихи*” ихтисослиги бўйича “*Политический деятельность шайхов Накшбандийа в Мавераннахре (I половина XVI в.)*” номзодлик диссертациясида [5:171] Нақшбандий шайхларининг XV-XVI асрларда Мовараунаҳрда юз берган сиёсий жараёнлардаги иштироки ёритиб берилган. Жумладан, Нақшбандийлик таълимотидаги сиёсий жараёнларга бўлган муносабат ва Муҳаммад Шайбонийхоннинг Нақшбандий шайхлари билан ўзаро алоқалари. *Махдуми Аъзамнинг* сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳамда Нақшбандийлик тариқати вакилларининг сиёсий ҳаётга уйғунлашуви, мавқеларининг

ортиши ва Шайбонийлар билан ўзаро муносабатлари тадқиқ этилган.

Шу билан биргаликда, *Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг* Нақшбандий шайхлари билан ўзаро муносабатлари ҳам ёритиб берилган. *Махдуми Аъзамнинг* Шайбоний хонлар ўртасидаги ўзаро курашларни бартараф этишдаги тарихий хизматлари ўрганилган.

Марказий Осиё тасаввуф тариқатларининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёт босқичларини комплекс тарзда тадқиқ этилишини *Э.Э.Каримовнинг* “*Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV вв.*” мавзусида 07.00.02 – “*Отечественная история*” ихтисослиги бўйича 1998 йилда ҳимоя қилган тарих фанлари бўйича докторлик диссертациясида кўриш мумкин.

Диссертация ишида *Э.Э.Каримов* мавзуни ўрганиш учун муҳим бўлган манбаларни тадқиқ этишдаги ва сўфийлик тариқатларни ўрганишдаги қатор муаммоларга ҳам тўхталиб ўтади. Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиши ва тасаввуф тариқатларининг вужудга келишини таҳлил этиб, *Яссавия* тариқатининг минтақа халқларидаги сўфийлик урф-одатларига таъсирини ўрганади ҳамда Нақшбандия тариқатининг темурийлар даврида юқори мавқега эришганлик ҳолатини ёритиб беради [6:22].

Тадқиқотчи томонидан фойдаланилган манбаларнинг катта қисми етарли даражада ўрганилмаганлиги ва нашр этилмаганлиги сабабли, баъзи манбаларнинг илк маротаба илмий истеъмолга киритилаётганлиги натижасида, манбаларни тадқиқ этишдаги муаммоларга оид бобни алоҳида киритишга мажбур бўлади. Албатта, бу ҳолатни мустақилликнинг дастлабки йилларида долзарб муаммолар сифатида таъкидланиши тўғри ёндашув бўлиб, бу ҳолатни қўлёзма манбалар билан ишлайдиган етук мутахассислар етишмаслиги билан изоҳлаш мумкин, бугунги кунга келиб бу муаммолар аста-секинлик ўз ечимини билан топмоқда.

З.А.Қутибоевнинг “*Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва унинг Мовароунаҳрнинг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни*” мавзусидаги 1998 йилдаги докторлик диссертациясида *Хожа Аҳрор Валийнинг* тасаввуф таълимоти ривожига катта

хизматларини ёритиш билан биргаликда, собиқ СССР даврида *Хожа Убайдуллоҳ Ахрор* ҳаётини ўрганишга бағишлаб ёзилган илмий тадқиқотлардаги турли хил асоссиз тухматларни илмий жиҳатдан рад этиб, илм-маърифат ҳомийси ва халқпарвар сўфий сифатидаги тарихий хизматларини очиб беради [7:2].

“*Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг Нақшбандия тариқати ривожиди тутган ўрни (XIV-XV асрлар)*” [8:2] мавзусидаги *М.С.Разоқованинг* номзодлик диссертациясида *Мавлоно Яъқуб Чархийнинг* ҳаёти ва фаолияти, тафсир, фикҳга оид асарлари ўрганилган бўлиб, тасаввуф ва ахлоқ масаласи ҳамда “*Рисола дар маноқиб ва ақоид*” асарини алоҳида тадқиқ этади.

Б.Б.Маллабоевнинг “*Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари вақф мулкчилиги мисолида)*” [9:2] мавзусидаги номзодлик диссертациясида, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкасидаги вақф мулкчилиги ва уларнинг аҳволи, мавзунинг тарихшунослиги ва манбашунослиги таҳлиллари берилган. Шунингдек, мустамлакачи маъмуриятнинг аграр соҳадаги сиёсатининг вақф мулкчилигига таъсири, ер-сув муносабатлари тизимидаги ўзгаришларга танқидий хулосалар берилиш билан биргаликда, вақф мулкчилиги сиёсатига уламоларнинг норозиликларини ҳам алоҳида тадқиқ этади. Диссертациянинг асосий тадқиқот объекти бўлган *Хожа Ахрор* авлодлари вақф мулкчилиги мустамлака ҳукумат томонидан тафтиш қилиниши ва ушбу вақф мулкчилигининг тугатилишига оид жараёнлар ўрганилиб, илмий натижалар тақдим этилган.

И.С.Усмоновнинг “*Ал-Ҳаким Ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба*” [10:2] мавзусидаги тарих фанлари бўйича номзодлик иши “24.00.02 – Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисослигида тасаввуф таълимотини ўрганишга бағишланган илк химоядир. Диссертация ишида *Ал-Ҳаким Ат-Термизийнинг* ҳаёти, фаолияти, илмий-маърифий мероси, устозлари, шогирдлари, ўша даврдаги тасаввуфий муҳит каби масалалар тадқиқ этилган. Тадқиқотда *Ал-Ҳаким Ат-Термизийнинг “Наводир ал-усул”* асари ҳадис илмига оид манба сифатидаги ўрни, “*Ҳакимия*” тариқатида ҳадисларнинг ўрни ҳам алоҳида

тадқиқ этилади. Шунингдек, Нақшбандийлик таълимоти шаклланишида *Ал-Ҳаким Ат-Термизий* илмий-маърифий меросининг аҳамияти ҳам очиб берилган.

“*Хожа Муҳаммад Порсо Хожагон-Нақшбандия тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли (XIV аср охири - XV аср бошлари)*” [11:2] мавзусидаги номзодлик диссертациясини тадқиқотчи *Н.Ў.Хидирова* 2006 йилда муваффақиятли химоя қилди. Диссертант томонидан олиб борилган тадқиқот ишида *Хожа Муҳаммад Порсо* ҳаёти ва фаолиятига оид тарихий манбалар таҳлили амалга оширилиб, бунда, тарихий-биографик асарлар ўрганилган. Шунингдек, *Хожа Муҳаммад Порсо* асарларидаги *Аллоҳ тавҳиди*, зикр масаласи алоҳида тадқиқ этилган. *Хожа Муҳаммад Порсонинг Хожагон-Нақшбандия тариқати ривожига таъсири* ва Бухоро жамиятида тутган ўрни каби қатор масалалар ўрганилиб, илмий хулосалар берилган.

М.М.Исмоиловнинг “*Шайх Худойдод “Баҳр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми)*” [12:2] мавзусидаги диссертациясида XVIII асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётдаги жараёнлар таҳлили берилган. Шунингдек, *Шайх Худойдод Валийнинг “Баҳр ал-улум”* асари ва унинг манбалари ҳусусида тадқиқот олиб бориб, асар умумий мазмуни бўйича таҳлилларни беради, асарнинг *Шихобуддин ас-Суҳравардийнинг “Иршод ал-муридин”* асарида ёзилган шарҳ сифатидаги аҳамиятини очиб беради ҳамда асардаги *Мовароунаҳр* ва *Хуросандаги* тасаввуф намояндалари, тасаввуф тарихи ва манбавий асослари ҳамда *Яссавия* тариқатига оид маълумотларнинг манбашунослик нуқтаи назаридан аниқланган янгиликлари тақдим этилган.

Ҳ.Тўраевнинг “*Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор Хожаларининг тутган ўрни*” [13:2] мавзусидаги диссертацияси *Жўйбор* хожалари хонадони тарихнависи, жумладан, “*Равзат ар-ризвон*”, “*Маноқиб саъдийа*”, “*Матлаб ат-толибин*”, “*Абдуллонома*” каби асарларнинг *Жўйбор* хожалари тарихини ўрганишдаги муҳим аҳамиятини ёритиб берган.

Бухоро хонлигининг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор хожаларининг тутган ўрни ва XVII асрдаги мавқеи илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Нақшбандия тариқатининг кейинги даврлардаги тараққиётини ўрганишда Х.Юлдашходжаевнинг *“Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-муҷаддидийа тариқати ривожда тутган ўрни (XVIII аср)”* [14:27] мавзусидаги илмий тадқиқот ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёдаги ижтимоий-маданий ва диний жараёнларда тасаввуф вакиллариининг фаолияти, бунда Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандийа-муҷаддидийа тариқати ривожда тутган ўрни, унинг назарий мероси тадқиқ этилган. Жумладан, *Мусохон Даҳбидий* асарларида тасаввуф тарихи, *“Ваҳдат ул-вужуд”* таълимоти, зикр амалиётига оид масалаларнинг ёритилиши илмий жиҳатдан ўрганилган.

Тарих фанлари бўйича тасаввуф манбаларини тадқиқ этган ёш олимлардан К.Раҳимовнинг тарих фанлари бўйича PhD даражасини олиш учун *“Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-таъарруф» асари ҳамда унинг XI–XV асрлар Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф манбаларига таъсири”* [15:54] мавзусидаги диссертациясида Мустамлий Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди «Шарҳ ат-таъарруф» асари ва унинг ўрганилиши, тузилиши, манбалари таҳлил этилиб, асарнинг тасаввуфга оид муҳим манба сифатидаги аҳамияти очиб берилган ҳамда асардаги тасаввуф тарихи, таърифи ва моҳияти, тасаввуф асослари баёни, сўфийлар агиографияси каби жиҳатлар ҳам ўрганилган. Шунингдек, асарнинг *“Рисолайи Кушайрия”*, *“Кашф ул-маҳжуб”*, *“Тазкират ул-авлиё”*, *“Фасл ул-хитоб”*, *“Нафоҳот ул-унс”*, *“Насойим ул-муҳаббат”* каби тарихий манбаларга таъсири тадқиқ этилган.

К.Раҳимов *“Хожагон-нақшбандия таълимотининг илдизлари ва шаклланиш манбалари (IX–XIV асрлар)”* [16:74] мавзусидаги тарих фанлари доктори DSc даражасини олиш учун олиб борган илмий тадқиқот ишида, VIII–XI асрлардаги ислом дунёсида тасаввуфнинг вужудга келиши ва тарқалиш шарт-шароитлари, турли сўфийлик тариқатлари ва уларнинг даврий чегаралари, Марказий Осиёнинг

тасаввуф таълимоти ривождаги катта ўрни, сўфийлик мактабининг (IX–XI асрлар) асосий оқимлари, муҳитлари, вакиллари ва ғоялари таҳлил этилган. Шунингдек, *Хожагон-Нақшбандия* тариқатининг вужудга келишига асос бўлган тарихий омиллар ва мусулмон дунёсидаги тасаввуф таълимотига оид улкан тажриба, анъана ва илмий-маърифий мероснинг аҳамияти тадқиқ этилиб, илмий хулосалар берилган.

А.Қандаҳаровнинг *тасаввуф тариқатларининг XVI аср ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётдаги тутган ўрнини очиб беришга бағишланган “XVI асрда Кармана шайхларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни”* [17:51] мавзусидаги илмий изланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотда XVI аср Бухоро хонлигидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлар, Карманалик шайхларнинг хонлик ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири, XVI аср маънавий муҳитини ўрганишда Кармана шайхлари тарихий меросининг аҳамияти каби жиҳатлар илмий тадқиқ этилган. Жумладан, *Шайх Худойдод Вали*, *Қосим шайх Азизон* ва уларнинг илмий-маърифий мероси ўрганилган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тасаввуф таълимотини тарих фани бўйича ўрганишга қаратилган илмий изланишлар жуда катта доирани қамраб олган. Бу фикрнинг тасдиғини тадқиқотчиларнинг диссертация ва авторефератларидаги илмий натижа ва хулосаларда ҳам кўриш мумкин. Тўғри ҳеч бир фан бошқа фанлардан мустақил тарзда, яъни алоҳида ривожланиш имкониятига эга эмас, тарих фани ҳам тасаввуф таълимотини ўрганишда ёрдамчи тарихий фанлар ва бошқа фанлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини амалга оширади. Мустақиллик йилларида тасаввуф таълимотини тарих, фалсафа, филология, исломшунослик, педагогика, психология каби фанлар доирасида тадқиқ этилган. Ушбу фанлар доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тасаввуф таълимоти бўйича яқин келажакда яна кўплаб тадқиқот ишларини амалга ошириш зарур, чунки мазкур таълимот

кўламига нисбатан унинг ўрганилганлик даражаси жуда ҳам оз миқдорни ташкил этмоқда.

Зеро, XXI асрда инсон ахлокидаги турли эврилишларга, таназзулларга қарши туришда энг самарали йўллардан бири сифатида, бу таълимотни кенгроқ шаклда дунё халқларига етказиш, шарҳлаш, тарғиб қилиш ҳамда намуна бўлиш бугунги кунда олимлар, зиёлилар ва тасаввуф аҳли олдидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тиллабоев Р. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (Жития шейхов тариката накшбандийа): дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 277 с.
2. Садриддин Салим Бухорий. Табаррук зиёратгоҳлар. – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – Б. 14-15.
3. Бобомурод Эрали. Шоирлар султони. – Тошкент, 2023. – Б. 27-37.
4. Ўзбек совет энциклопедияси. – Т. 12. – Тошкент, 1979. – Б. 412.
5. Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов накшбандийа в Мавареннахре (первая половина XV в.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Т.: 1996. – 171 с.
6. Каримов Э.Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавараннахра в XV в: автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Т.: 1990. – 22 с.
7. Кутибоев З.А. Хожа Убайдуллох Ахрор ва унинг Мовароунахрнинг XV асрдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида тутган ўрни: тарих.ф.докт. ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 2.
8. Разокова М.С. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг Накшбандия тарикати ривожда тутган ўрни (XIV-XV асрлар): тарих.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – Б. 2.
9. Маллабоев Б.Б. Чоризмнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор авлодлари вақф мулкчилиги мисолида): тарих.ф.н. ... дисс. – Наманган, 2004. – Б. 2.
10. Усмонов И.С. Ал-Ҳаким Ат-Тирмизийнинг “Наводир ал-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: тарих.ф.н. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 2.
11. Хидирова Н.Ў. Хожа Муҳаммад Порсо Хожагон-Накшбандийа тарикатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли (XIV аср охири - XV аср бошлари): тарих.ф.н. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 2.
12. Исмоилов М.М. Шайх Худойдод “Баҳр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIII асрнинг иккинчи ярми): тарих.ф.н. ... дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 2.
13. Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида Жўйбор Хожаларининг тутган ўрни: тарих.фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 2.
14. Юлдашходжаев Х.Х. Мусохон Даҳбидийнинг накшбандийа-муҷаддийа тарикати ривожда тутган ўрни (XVIII аср): тарих.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 27.
15. Раҳимов К.Р. Мустамлий Бухорийнинг «Шарҳ ат-таъарруф» асари ҳамда унинг XI-XV асрлар Мовароунахр ва Хуросон тасаввуф манбаларига таъсири: т.ф. PhD ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 54.
16. Раҳимов К.Р. Хожагон-накшбандия таълимотининг илдишлари ва шаклланиш манбалари (IX-XIV асрлар): т.ф.д. DSc ... дисс. автореф. – Тошкент, 2022. – Б. 74.
17. Қандаҳаров А.Ҳ. XVI асрда Кармана шайхларининг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни: т.ф. PhD ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 51.